

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ ТАЪЛИМИДА РАҲИМОВЛАР СУЛОЛАСИ КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБ-СТУДИЯСИНИНГ ЎРНИ



Гўзал Нуридинова

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва
дизайн институти мустақил изланувчиси

GuzalNur999@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18785499>

Аннотация. Мақола тошкентлик уста Акбар Рахимовнинг кулолчилик мактаб-студияси фаолиятини ҳамда унинг Ўзбекистон бадий таълими ривожигаги ўрнини тадқиқ этишга бағишланган. Мақолада кулол усталар томонидан қўлланиладиган педагогик методлар, шунингдек, уларнинг ижоди мамлакат кулолчилик санъати шаклланишига кўрсатган таъсири кўриб чиқилади. Муаллиф кулолчиликни ўргатишда анъанавий техникалар ва замонавий ёндашувларнинг интеграциялашувига, шунингдек, студиянинг Ўзбекистон маданий мероси контекстидаги ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади.

Калит сўзлар: студия, устоз-шогирд, сулола, бадий таълим, метод (усул), услуб, мактаб.

Аннотация. Статья посвящена исследованию деятельности школы-студии керамики ташкентского мастера Акбара Рахимова и её роли в развитии художественного образования Узбекистана. В статье рассматриваются педагогические методы, применяемые мастерами-керамистами, а также влияние их творчества на формирование гончарного искусства страны. Автор уделяет особое внимание интеграции традиционных техник и современных подходов в обучении керамике, а также социальной значимости студии в контексте культурного наследия Узбекистана.

Ключевые слова: студия, наставничество (устоз-шогирд), династия, художественное образование, метод, стиль, школа.

Abstract. The article is devoted to the study of the activities of the ceramics school-studio of the Tashkent master Akbar Rakhimov and its role in the development of art education in Uzbekistan. The paper examines the pedagogical methods used by master potters, as well as the influence of their creative work on the formation of the country's ceramic art. The author pays special attention to the integration of traditional techniques and modern approaches in teaching ceramics, as well as the social significance of the studio within the context of Uzbekistan's cultural heritage.

Keywords: studio, master-apprentice (ustoz-shogird), dynasty, art education, method, style, school.

Кулолчилик санъати - Ўзбекистон маданиятида чуқур илдизларга эга бўлган амалий-безак санъатнинг энг қадимий турларидан биридир. Бадий хунармандчиликнинг ушбу тури ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатлари ва эстетик қарашларини акс эттиради.

Сўнгги ўн йилликларда Ўзбекистонда бой маданий меросни асраб-авайлаш зарурати туфайли бадий таълимга бўлган қизиқишнинг ортиши кузатилмоқда. Замонавий Ўзбекистон кулолчилик санъатининг ёрқин вакиллари билан бири — уста, академик Акбар Раҳимовдир. Унинг Тошкентдаги кулолчилик мактаб-студияси мамлакатимиз амалий-безак санъат соҳасидаги муҳим таълим майдонига айланиб бормоқда.

Раҳимовлар сулоласининг кулолчилик мактаб-студияси 2006 йилда Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида ташкил этилган бўлиб, унда усталар ёшларга кулолчилик санъати сирларини ўргатиб келмоқдалар. Ўшандан бери ушбу мактаб-студия талабалар, рассомлар ва кулолчилик ихлосмандлари учун ўзига хос масканга айланди. Бой тажриба ва анъанавий технологиялар борасида чуқур билимга эга бўлган усталар шогирдлар кулолчилик санъатининг ҳам классик, ҳам замонавий ёндашувларини ўрганадиган ноёб муҳит яратдилар. Мактаб-студия кулолчиликга бўлган қизиқишнинг ортиши ва янги авлод усталарини тайёрлаш заруратига жавобан ташкил этилган. Мактаб-студиянинг асоси эса ҳали XX асрнинг ўрталарида қадимий кулолчилик соҳасидаги таниқли олим ва тадқиқотчи Муҳитдин Раҳимовнинг саъй-ҳаракатлари билан қўйилган эди.

Тўртинчи авлод кулоли, муҳандис-технолог ва олим — Муҳитдин Раҳимов қирк йилдан ортиқ вақт давомида Санъатшунослик институтининг катта илмий ходими сифатида фаолият юритган. Олим мамлакат бўйлаб амалга оширган кўплаб сафарлари давомида Ўзбекистоннинг энг қадимий кулолчилик марказлари анъаналари ва услубларини синчиклаб ўрганган. У ўз ҳаётининг кўп йилларини археологларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда, Темурийлар даври ва Кушон подшоҳлиги кулолчилик санъатини ўрганишга бағишлаган. М.Раҳимов ўзбек бадий кулолчилигининг ўзига хос энциклопедиясини яратган. Бундан ташқари, 1930–1940 йилларда у Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари мозаика ва майоликаларини реставрация қилишнинг кўплаб усуллари ишлаб чиққан. Кулолчилик санъатининг бой меросини ёдда тутган ҳолда, М.Раҳимов Марказий Осиё кулолчилик санъатининг энг бой анъаналарини ҳақиқатда қайта тиклаган. М.Раҳимов бадий амалиёт ва илмий изланишларни бирлаштириб, ўзидан кейин қатор қимматли илмий монография ва мақолалар қолдирган. Унинг «Ўзбекистон бадий кулолчилиги» номли фундаментал асари жуда муҳим илмий маълумотларни ўз ичига олади ва унда илк бор XX асрдаги ўзбек кулолчилигининг ривожланиш йўли ҳақида умумлаштирилган маълумотлар келтирилади. Ушбу иши учун М.Раҳимовга санъатшунослик доктори илмий даражаси берилган. Илмий ва бадий фаолияти учун М. Раҳимов «Ўзбекистон халқ рассоми» фахрий унвони, шунингдек, Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Бугунги кунда ушбу ишларни устанинг ўғли — академик Акбар Раҳимов ва набираси Алишер Раҳимовлар давом эттирмоқдалар. Улар ўз устозларидан лойдан буюмлар ясашнинг барча нозик жиҳатлари ва технологияларини ўзлаштирганлар. Ҳозирги вақтда улар ўзларининг мактаб-студиясида турли услуб ва йўналишлардаги асарларни яратмоқдалар. Уларнинг мактаби ва кўргазма маркази сайёҳлар, пойтахт меҳмонлари, хорижий элчихона ходимлари, шунингдек, тажриба алмашиш ва ўз ижодий ғояларини ривожлантириш учун келган чет эллик усталар ташриф буюрадиган муҳим масканга айланган. Устахона ёнида Раҳимовлар сулоласи вакиллари бадий ишлари, жумладан, қадимий технологиялар асосида Кушон империяси ва Темурийлар даври керамикаси услубида тайёрланган намуналар намоиш этиладиган кўргазмалар зали жойлашган.

Машҳур ўзбек усталаридан таҳсил олган академик Акбар Раҳимов ўз билим ва кўникмаларини ёш усталарга ўргатишга қарор қилди. Уста нафақат санъат асарларини

яратиш, балки анъаналарни давом эттира оладиган шогирдларни тайёрлаш ҳам муҳим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий академиги, бешинчи авлод кулол-устаси Акбар Раҳимов 1949 йилда Ўзбекистон халқ рассоми Муҳитдин Раҳимов оиласида дунёга келган. У ёшлигидан санъат муҳитида вояга етди ва кулолчилик ҳунарига меҳр қўйди. Кулолчилик сирларини отаси Муҳитдин Раҳимов устахонасида мукаммал эгаллашни бошлади. Ёшлигиданоқ танлаган, машаққатли бўлса-да, ниҳоятда қизиқарли бўлган бу касбни эгаллаш орзуси унинг ҳаётини ўзгартириб юборди. У кулолчиликнинг ҳар бир жараёнини мукаммал ўрганишда давом этди. Акбар Раҳимов лой тайёрлаш, чархда буюм ясаш, бўёқ тайёрлаш ва нақш чизиш санъатини юксак маҳорат билан ўзлаштирди.

1966 йилда Акбар Раҳимов А.Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг геология факультетига ўқишга кирди. Таҳсил жараёнида у кулолчиликда ишлатиладиган хомашё минералларини ўрганди ва кулоллар фойдаланадиган хомашё минераллари харитасини яратди. Ўқиш даврида отасининг устахонасида ижодий фаолиятини давом эттириб, миллий услубларни мукаммал эгаллаб борди. Кулолчиликнинг замонавий усулларини ўрганиш мақсадида, 1974 йилда ёш уста Тошкент театр ва рассомлик институтининг кулолчилик факультетида ўқишини давом эттирди. Ўқиш билан бир вақтда ушбу олийгоҳда уста сифатида ҳам фаолият юритди. 1974 йилда Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

1979 йилда институтни муваффақиятли тамомлагач, А.Раҳимов ушбу даргоҳда ўқитувчи сифатида иш бошлади. Бир неча йил давомида у кўплаб шогирдларга кулолчилик сирларини ўргатди. Кулолчилик йўналишида фаолият юритиб, замонавий бинолар учун миллий руҳдаги деворий керамик безаклар, фавворалар ва каминлар яратди. Отаси М.Раҳимов билан биргаликда қадимий услубларни реставрация қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борди ва катта ютуқларга эришди. Кушон даврининг қизил силликланган керамикаси ҳамда Сомонийлар даври Афросиёб сирланган керамикаси услубида нафис асарлар туркумини яратди. Археологик қазилмаларда топилган керамика парчаларини ўрганди ва уларни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борди.

А.Раҳимов кулолчиликда технологик жараёни такомиллаштириш, қадим замонлардан қўлланиб келинган кулолчилик техникаларини қайта тиклаш ҳамда кулолчиликда кимёвий сирлар ўрнига табиий ишқорли ўтлардан тайёрланган сирлардан (эмаллардан) фойдаланиш соҳасида тадқиқотлар олиб борди. ЮНЕСКО ташкилоти ушбу изланишларга қизиқиш билдирди ва «Самарқанднинг мовий кулолчилиги» лойиҳасини ташкил этди. 1998 йилда Самарқанд меъморий ёдгорликларида қўлланилган қадимий кошинларнинг технологик жараёни ўрганилди. А.Раҳимов илк бор ишқорли ўтдан сир тайёрлаш жараёнини мукаммал ўрганиб, XIX асрда ишқордан қандай қилиб сир тайёрлангани ҳақида фильм суратга олди. Технологик жараёни акс эттирувчи ушбу фильм 1998 йилда «Самарқанднинг мовий кулолчилиги» семинарида Ўзбекистон кулолларига намоёиш этилди. 2004 йилда эса 5 қисмдан иборат «Ўзбекистон кулоллари» фильми суратга олинди. Ушбу фильмларни яратишдан кўзланган асосий мақсад — бугунги кулолчилик технологияларини келгуси авлодларга етказиш ва кулолчилик санъатини янада ривожлантиришдан иборатдир.

2006 йилда А.Раҳимов отаси М.Раҳимовнинг орзусини амалга ошириб, «Устоз — шогирд» кулолчилик мактаб-студиясини ташкил этди. Шу тариқа, Марказий Осиёда илк «Устоз — шогирд» кулолчилик маҳорати мактаб-студияси ўз фаолиятини бошлади. Шу йилнинг ўзида «Устоз — шогирд» кулолчилик мактаб-студиясида Ўзбекистон

кулоллариинг «Шакл, нақш ва мазмун» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси ташкил этилди. Конференцияга кулоллар, санъатшунослар, археологлар ва япониялик усталар таклиф этилди. Анжуманда қадим замонлардан бери қўлланиб келинаётган нақш ва шакллар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти кўриб чиқилди.

Ота анъаналарини А.Раҳимовнинг ўғли отаси ҳамда бобосидан мерос қилиб олган Алишер Раҳимов давом эттирмоқда. У отаси ва бобосининг тажрибасига таянган ҳолда, бир неча йил давомида ўзбек кулолчилиқ санъатининг ўзига хос тарихий соломасини яратиш устида ишлади. Алишер томонидан яратилган буюмлар Франция, Германия, Япониядаги кўплаб кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилди.

Раҳимовлар кулоллар сулоласининг кейинги вакили, еттинчи авлод давомчиси — Шохруҳ Раҳимов 2002 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ш.Раҳимов 2019 йилда Халқаро амалий-безак санъат биенналесиде дебют қилди. У ерда «Нукталардан яралган олам» деб номланган янги коллекцияси билан иштирок этди. 2020 йилда Ш.Раҳимов П.Беньков номидаги Республика рассомлик коллежининг кулолчилиқ факультетини тамомлади. Унинг диплом иши Оролнинг экологик ва техноген муаммосига бағишланган бўлиб, «Орол муаммоси» деб номланди. 2020 йилдан 2024 йилгача — К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг кулолчилиқ факультети талабаси бўлди. 2021 йил май ойидан буён «Болалар ижтимоий мослашуви республика маркази»да «Тошкент» керамикасини ўрганиш бўйича ижтимоий лойиҳа устози сифатида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда мактаб-студия фаолияти ўқувчиларнинг таълим жараёнига максимал даражада жалб этилишини таъминлайдиган тарзда ташкил этилган. Машғулотлар кичик гуруҳларда олиб борилади, бу эса ҳар бир ўқувчига алоҳида эътибор қаратиш имконини беради. Устозлар ўқитишнинг турли услубларидан, жумладан, амалий машғулотлар, маърузалар ва маҳорат дарсларидан фойдаланадилар. Бу эса ҳам техникани, ҳам бадиий ифодани чуқур англаш учун кенг имкониятлар яратади.

Академик Акбар Раҳимов таълим жараёнида индивидуал ёндашувни қўллади, бу эса ўқувчиларга ўз ижодий қобилиятларини ривожлантириш имконини беради. Таълим жараёнида асосий эътибор амалий машғулотларга қаратилган бўлиб, унда ўқувчилар нафақат техникани ўзлаштирадилар, балки ўз ғояларини санъат орқали ифодалашни ҳам ўрганадилар. Уста қўл меҳнати ва нақш чизиш каби анъанавий ўзбек техникаларидан фаол фойдаланади, бу эса маданий меросни асраб-авайлашга хизмат қилади. Талабалар нафақат техникаларнинг ўзини, балки уларнинг тарихий контекстини ҳам ўрганадилар, бу эса уларга Ўзбекистон маданиятида керамиканинг тутган ўрнини яхшироқ англаш имконини беради.

Студияда анъанавий методлар билан бир қаторда, янги материаллар ва технологиялардан фойдаланиш каби замонавий таълим ёндашувлари ҳам жорий этилмоқда. Бу талабаларга экспериментлар ўтказиш ва ўз услубларини топиш имконини беради, бу эса уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда муҳим жиҳат ҳисобланади. Академик А.Раҳимов ўз ўқитиш тизимида арт-терапия элементларидан ҳам фойдаланади. Бу ўқувчиларга нафақат техникавий кўникмаларни ривожлантиришга, балки эмоционал ҳолатни яхшилашга ҳам ёрдам беради. Бу айниқса, санъат ўз-ўзини ифодалаш ва шахсий ривожланиш воситасига айланиб бораётган замонавий жамият шароитида жуда муҳимдир.

А. Раҳимов нафақат лой билан ишлашда, балки педагогик фаолиятда ҳам отасининг изидан борди. Ўз студиясида у болаларга лой билан ишлаш маҳоратини ўргатиб келмоқда. Студияда ўтказиладиган болалар фестивали ўсиб келаётган авлодни санъатга жалб қилишга ёрдам беради. Хусусан, 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар иштирокида «Болалар

ўйинчоқлари» фестивали ташкил этилади. Фестивал уч кун давом этади: кимдир расм чизиш билан шуғулланади, кимдир ўзининг «келажак уйи»ни қуради, бошқаси эса ҳайвонлар ёки самолётлар шаклини ясайди. Барча хоҳловчилар ўзларини кулол ёки мозаика устаси ролида синаб кўришлари мумкин. Тайёр экспонатлар хумдонда пиширилгандан сўнг, болалар томонидан ясалган буюмлар кўргазмаси ўтказилади. Болалар ота-оналари, бобо ва бувилари билан келиб, ўз ишларини фахр билан кўрсатадилар, кўргазма якунида эса уларни уйларига олиб кетадилар. Тадбир сўнгида студия болажонларда байрам шукуҳи сақланиб қолиши учун ширинликлар билан тўла дастурхон ташкил этади.

Бугунги кунда халқ анъаналарининг йўқолиши, пировардида, анъанавий маданиятнинг ижтимоий-тартибга солиш функцияси бузилишига ва унинг мавжудлигининг асосий шарт бўлган ворисийликнинг йўқолишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси анъанавий маданият тақдири учун хавотир уйғотмай қолмайди. Замонавий шароитда ушбу маданиятнинг ҳақиқий соҳиблари ҳали мавжуд, бироқ уларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Маълумки, Ўзбекистон энг бой маданий-тарихий анъаналарга эга мамлакатдир. Бугунги кунда биз учун амалий-безак санъат асарларининг маънавий-ахлоқий қадриятлар шаклланишига, замонавий жамиятда шахс хулқ-атворида ижобий таъсир кўрсатиши, халқнинг психологик саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўтишга ёрдам бериши ҳамда миллий ўзликни англаш ривожига хизмат қилиши ниҳоятда муҳимдир. Шунга қарамай, яқин вақтларгача амалий-безак санъат назарияси ва амалиётидаги кўплаб муаммолар тўлиқ очиб берилмаган эди.

Ўқитиш методларининг нотўғри танланиши амалий-безак санъат анъаналарининг емирилиш хавфини юзага келтиради. Бугунги кунда турли тоифадаги таълим муассасаларида амалий-безак санъат мутахассисларини тайёрлашдаги асосий камчилик ўқитиш методларидаги қарама-қаршиликлардир. Бир томондан, классик педагогика ва профессионал санъатда шаклланган методлар устуворлик қилса, иккинчи томондан, амалий-безак санъат таълимида «устоз-шогирд» тизимидаги шогирдлик анъаналарини инобатга олиш зарурлиги юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон амалий-безак санъатининг замонавий ҳолати таҳлили шуни кўрсатдики, маҳаллий анъана соҳибларининг табиий камайиши туфайли санъатнинг ноёб турлари йўқолиб кетиш хавфи остида қолмоқда. Анъанавий маданиятга, жумладан, амалий-безак санъатга бўлган қизиқиш ортиши муносабати билан Тошкентда ихтисослаштирилган студиялар, шунингдек, амалий-безак санъат асосий фанлар сирасига киритилган халқ маданияти ва халқ бадиий ҳунармандчилиги марказлари очилмоқда. Бу эса ўз навбатида амалий-безак санъат бўйича малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг замонавий бадиий таълим тизимида эстетик тарбия ва бадиий таълим назариялари ишлаб чиқиладиган бўлса-да, мамлакатда ва Тошкент шаҳрида амалий-безак санъат соҳасида профессионал таълимнинг ягона концепцияси мавжуд эмас¹.

Раҳимовлар мактаб-студияси таълим дастурларининг методологик ва назарий асосини қуйидагилар ташкил этади: таълимнинг ижтимоий-тарихий ривожланиш қонуниятларини очиб берувчи замонавий фалсафий қоидалар, халқ бадиий маданияти ҳодисаларини ўрганишга нисбатан илмий-тарихий объектив ёндашув, ижтимоий ҳодисалар тадқиқида тарихийлик ва мантикийлик бирлиги, шунингдек, кулолчилик мутахассислари профессионал таълими тизимидаги маданий жараёнларни ўрганишнинг янги

¹ Проблемы и перспективы развития декоративно-прикладного искусства Узбекистана. // Ж. SAN'AT. 2015. №3. С. 9-12.

ёндашувларини инобатга олган ҳолда, фактларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсиридаги умумийлик, хусусийлик ва яқкалик тамойиллари².

Раҳимовлар мактаб-студияси Ўзбекистон бадиий таълим тизимининг муҳим бўғинига айланди. Мактаб усталари томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари ўқувчиларга нафақат ҳунарни эгаллаш, балки ўз санъатининг маданий контекстини англаш имконини ҳам беради. Студиянинг ўқув дастурлари кулолчилик тарихи, лой билан ишлаш техникаси, нақш чизиш ва сир бериш (глазурлаш) каби кенг қамровли мавзуларни ўз ичига олади. Шунингдек, ўқувчилар композиция ва ранг ечими асосларини ўрганадилар, бу эса уларга уйғун ва ифодали асарлар яратишда ёрдам беради.

Бугунги кунда Раҳимовлар мактаб-студияси Ўзбекистоннинг бадиий таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, бу эса унинг дастурларини расмий таълим тизимига интеграция қилиш имконини беради. Ушбу ҳамкорлик ўқитиш сифатини ошириш ва талабалар учун имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Раҳимовлар мактаб-студияси мунтазам равишда кўргазма ва танловларда иштирок этиб келади, бу эса халқаро майдонда Ўзбекистон керамикасига бўлган қизиқишни оширишга ёрдам беради. Бу каби тадбирларда эришилган муваффақиятлар ўқувчиларнинг профессионал ўсишига ва Ўзбекистон кулолчилик санъатининг оммалашишига хизмат қилади.

Студия фаолияти босқичма-босқич таълим жараёни ривожлантириб, Ўзбекистон керамика анъаналарини сақлаш ва оммалаштиришга, шунингдек, ўзаро тажриба алмашадиган ва бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган усталар ҳамжамиятини яратишга хизмат қилмоқда. Мактаб ёш усталар учрашиши, ғоялар алмашиши ва ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган масканга айланди. Бу эса ижодкорлар учун жуда муҳим бўлган қўллаб-қувватлаш ва илҳом муҳитини яратади. Мактаб атрофида шаклланган ҳамжамият мамлакат маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Муваффақиятли рассомларга айланган кўплаб шогирдлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш ва янги ўқувчиларни руҳлантириш учун яна студияга қайтиб келадилар. Бу билим ва анъаналар узатилишининг узлуксиз занжирини яратади, бу эса Ўзбекистон маданий меросини асраб-авайлаш учун ғоятда муҳимдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон кулолчилигидаги мавжуд вазият унинг асл (аутентик) қатламларини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан инновацион йўналишдаги буюмларда намоён бўлмоқда. Бу йўналишда кулол-усталарнинг индивидуал-ижодий ташаббуслари янада фаол кўзга ташланиб, қўлланилаётган усуллар ва орнаментал нақшлар қўлами кенгайиб бормоқда. Юқорида тилга олинган тошкентлик усталар — Акбар ва Алишер Раҳимовларни айнан мана шу жараённинг етакчи вакиллари қаторига киритиш мумкин³.

Раҳимовлар мактаб-студиясини истисно қилганда, ҳунар ўргатишда шогирдлик билан боғлиқ муаммолар ҳам кам эмас. «Устоз-шогирд» тизими ҳозирги вақтда соддалашган ва бузилган шаклга келиб қолган. Агар илгари усталар билим бериб, уни маълум бир маҳорат даражасига етказган бўлсалар, имтиҳон олиб, ўзига хос «таълим дипломи» ўрнини босувчи фотиҳа берган бўлсалар, афсуски, ҳозирда бундай амалиёт мавжуд эмас. Мукаммал таълим олиш имкониятига эга бўлмаган ёш усталар икки-уч ойлик тезлаштирилган курсларни ўтаб, бадиий жиҳатдан сифатсиз маҳсулотларни сота

² Курбанов С. Актуальные аспекты развития художественного образования в Узбекистане // Ж. SAN'AT. 2016г. №1. С. 21-24

³ Хакимов А., Алиева С. Метаморфозы в керамике Узбекистана: индивидуальность и традиция. // Ж. SAN'AT. 2012. №3. С. 18-22.

бошламоқдалар. Натижада, бозор юқори малакали кулол-усталарни тайёрлашнинг анъанавий тизимига салбий таъсир кўрсатаётганига ва машҳур марказлар керамикасининг умумий даражаси пасайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи етакчи усталар маҳсулот нархи ва унга мос сифатга таянган ҳолда иш юритсалар, уларнинг шогирдлари ўз буюмларини анча арзонга сотмоқдалар⁴.

Бугунги кунда миллий кулолчилик ривожига унинг ўзига хос табиатини, азалий нақшларини ҳамда Ўзбекистон керамикасининг бадий-образли тузилиши софлигини сақлаб қолиш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Ижодий ва ташкилий хусусиятдаги муаммоларга қарамай, мустақиллик даврида юз берган ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Халқ кулол-устасининг ижтимоий мақоми юксалди, Ўзбекистонда кулолчилик анъаналарига бўлган қизиқиш сезиларли даражада ортди. Шу муносабат билан, бошқа мамлакатларда ижодий сафарларда бўлган кўплаб усталар хорижда ўз шахсий кўргазмаларини ўтказишга бошладилар.

Хулоса

Бугунги кунда уста Акбар Раҳимов ва унинг оиласи томонидан Тошкентда ташкил этилган «Устоз-Шогирд» кулолчилик мактаб-студияси анъанавий хунармандчилик билимларини Ўзбекистоннинг замонавий бадий таълим тизимига интеграция қилишнинг муҳим намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Студия фаолияти норасмий ва қўшимча бадий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига тўлиқ мос келади. Унда амалиётга йўналтирилган ўқитиш моделлари, индивидуал устозлик қилиш ҳамда маданий тажрибани авлоддан-авлодга ўтказиш тамойилларига асосий эътибор қаратилган.

Кулолчиликда ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини — шакл бериш, хумдонда пишириш, сир бериш ва бадий нақш чизишни қамраб олувчи ўқитишнинг комплекс хусусияти ўқувчиларда образли фикрлаш, бадий ечимларнинг турфа хиллиги, импровизацияга мойиллик ва мустақил ижодий изланиш каби креатив компетенцияларнинг ривожланишига хизмат қилади. Бу каби ўқитиш модели нафақат профессионал кўникмаларни, балки шахснинг универсал ижодий қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган замонавий компетенциявий ёндашув талабларига тўлиқ жавоб беради.

Мактаб-студия фаолиятида болалар фестиваллари, маҳорат дарслари ва анъанавий керамика технологиялари намоиши орқали амалга оширилаётган бадий-маърифий функция алоҳида ўрин тутади. Ишнинг бундай шакллари маданий маконни кенгайтиришга, болалар ва ёшларни бадий ижтимоийлашув жараёнларига жалб қилишга ҳамда хунармандчилик амалиётига замонавий креатив муҳитнинг бир қисми сифатида қизиқиш уйғотишга хизмат қилади.

Уста Акбар Раҳимовнинг табиий материал билан ўзаро мулоқот ғоясига таянган фалсафаси замонавий таълим концепциялари билан ҳамоҳангдир. Ушбу контекстда мактаб-студия бадий ижод, кадриятлар тарбияси ҳамда Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросини асраб-авайлаш синтезини таъминловчи таълим платформаси сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, Акбар Раҳимовнинг кулолчилик мактаб-студияси Ўзбекистон бадий таълим тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. У инкультурация жараёнларига, креатив компетенцияларни ривожлантиришга ҳамда глобаллашув ва замонавий маданий

⁴ Хакимов А., Алиева С. Метаморфозы в керамике Узбекистана: индивидуальность и традиция. // Ж. SAN'AT. 2012. №3. С. 18-22.

макон трансформацияси шароитида долзарб бўлган арт-педагогик амалиётларни жорий этишга хизмат қилади.

АДАБИЁТ

1. Основы декоративного искусства в школе // под ред. Б.В. Нешумова, Е.Д. Щедрина. - М.: Просвещение, 1981. - 175 с.
2. Рахимов С. Формирование готовности будущего учителя технологии к обучению учащихся народным ремеслам и декоративно-прикладному творчеству. / С.Рахимов / автореф. дис. ... канд. пед.наук: 13.00.01- Худжанд: Типография ТГПУ им. С.Айни, 2010, - 24 с.
3. Хакимов А., Алиева С. Метаморфозы в керамике Узбекистана: индивидуальность и традиция. // Ж. SAN'AT. 2012. №3. С. 18-22.
4. Проблемы и перспективы развития декоративно-прикладного искусства Узбекистана. // Ж. SAN'AT. 2015. №3. С. 9-12.
5. Курбанов С. Актуальные аспекты развития художественного образования в Узбекистане // Ж. SAN'AT. 2016г. №1. С. 21-24